

## ФИЛОЛОГИЯ

УДК 8. 82/89

## ЧҮЛПОН ШЕҮРЛАРИДА ТИМСОЛ СҮЗ

Р. Умурзаков

*В статье анализируются стихи А. Чулпана с точки зрения художественного языка, раскрывается внутреннее мироощущение автора и героя посредством художественного слова.*

*In this article the poems of Cholpon are analysed from the point of creative language. The inner world of author and character are revealed by artistic (literary) words.*

Макола оркали Чүлпон яратган юксакликка интилиш, унинг ёғдусидан баҳраманд булиш асосий максадимиз саналади. Маколада шоирнинг айrim шеърларини бадий тил нұктай назаридан таҳлил киламиз. Дастрлаб “Гүзәл” шеъри хакида. Шеър үттис катордан иборат булиб, ахамиятли жихати унда деярли соф түркій сұзлар ишлатылған. Маълумки, тилда халқ рухи яшайды. Она тилимиздеги сұзларни бутун рухиятимиз билан хис киламиз, уларни эшитганимизда тасаввур чегараларимиз яна ҳам көнгаяди. Эътибор берилса, синонимик каторларда ҳам она тилидаги сұз доим доминант хисобланади. Буни үша рухиятга яқинлик билан изохлаш мүмкін. “Гүзәл” сүзи ҳам шундай. Бу сүзини эшитганимизда нозик түйғуларни хис киламиз, рухиятимизда күтаринкилик пайдо бўлади, кўз олдимизда латиф нарсалар гавдаланади. Бундан ташкари, бу сұз бераеттган тасвир гўзаллигини онгимизда тиклаш учун унинг “кўз” сўзига яқинлигини билишимиз керак. “Ўзбек тилининг этиологик луғати” да “бу сифат асли қадимги түркій тилдаги “назар сол” маъносини англатган кос феълидан –а(л) кўшимчasi билан ясалған”[1] лиги таъкидланади. Бундан англашиладики, “гўзал” сифатини бирор шахс ёки предметга нисбатан кўллашдан аввал үша предметни кўриш, хис килиш мухим. Чунки, “гўзал” таркибидаги “кўз” сүзи шуни талаб этади. Кўзнинг вазифаси эса назар солиш, кўриш ва ҳайратланишdir. Демак, кўз оларлик даражада гўзалликни кўриб, хис килиб таърифлаш нуткій реалликни ва жонли ўхшатишни таъминлади.

“Гўзал” шеъридаги образлар ҳам лирик қаҳрамон саволларига “кўрдим, учрадим”, деб жавоб берадилар ва ёрнинг “шунчалар гўзал”лигини таърифлайдилар.

Шеърдаги биринчи мисра диккатга сазовор:

Коронғу кечада қўкка кўз тикиб...[2]

Мисрада ўзига хос товушлар уйғунлигини кўриш мүмкін. Бундан ташкари, “кеча”, “қўкка кўз тикиб” сұзларida ошикнинг гўзал тасвири ифодаланған. Ошик кўз тикяпти, гўзалини изляяпти. Биринчи мисраданок англашиладики, шеърнинг мавзуси ёрни излаш, унинг гўзаллигини таърифлаш. Бунда муаллиф бир канча тимсолларга мурожаат этади. Маълумки, санъат асарида тимсолнинг ўрни мухим, унинг шахс ёки предмет эканлиги, қандай маънода келишига қараб асарнинг бадий мукаммаллиги белгиланади. Тимсол албатта ғоя ва муаммо билан боғланади. Чүлпон шеърда мурожаат этган тимсоллар табиатнинг гўзал предметларидир. Муаллиф ана шу гўзаллик тимсолларини гапиришиш, тан олдириш, уялтириш оркали ўз гўзалини таърифламокчи бўлади.

Шеърдаги аҳамиятга молик жихатлардан яна бири, ундаги табиат тасвиридир. Лирик қаҳрамон табиат тимсолларини табиий кетма-кетликда саволга тутади: юлдуз, ой, тонг шамоли, кун(куёш). Булар табиатнинг энг гўзал тимсоллари, барча гўзалликлар уларга киёсланади. Муаллиф эса ўз гўзалини уларданда устун кўяди. Мана шу устун кўйиш оркали Чүлпон реал табиатни қалб табиати билан

такқослаиди. Бу такқослашни шеър воситасида амалга оширади. Натижада санъат асари ва табиат ўртасида инсон фикри юзага келади, бу эса шеърнинг ижод намунаси эканлигини тасдиқлади.

Маълумки, табиат предметлари бир-бирини тақозо этади. Бу нарса санъатга ҳам таалуқли. Санъатда образ ва ходисаларнинг ўзаро боғликлиги бадиий бутунлик шартидир. Биз таҳлил этаётган шеърда ҳам бунга тўлиқ амал қилинган. Муаллиф гўзлни сўраб дастлаб юлдузга мурожаат килади ва бу мурожаатини бошқаларга ҳам кўллади, натижада кўз ўнгимизда “хаммадан гўзal” образ гавдаланади.

Юкорида “Гўзal” шеърини соғ туркӣ сўзлардан ташкил топганини айтдик. Бу сўзлар барчамизга тушунарли ва қадимий сўзлардир. Шунинг учун улар қалбимизга якин. Зеро, “сўз қанча қадими, қанча кўхна бўлса, унинг хаётий кудрати ва сехру жодуси шунча кучли бўлади”(Х. Хессе). Шеърий матнданаги сўзлар бизнинг қалб лексикамиздан ўрин олиб бўлган, улар қалбимизнинг тубидан чикади ва туйғуларимизни кўзгайди. Чўлпон гўзлни таътифлаш учун барча гўзal сўзларни “чакириб олади”: кеча, кўк, ёргу, юлдуз, туш, ой, ёноқ, тонг, тоғу тош, кун ва ҳоказо. Булар минг йиллар давомида шууримизда яшаб келаётган сўзлардир, уларга бизнинг мангу туйғуларимиз яширинган. Шу боис шеър туйғуларимизга таъсир килади. Поззиянинг шарти ҳам шу- факат туйғуга таъсир киладиган нарсани акс эттиришдир. Шеърда “гўзal”нинг кимлиги, қаердалиги муҳим эмас. Муҳими, у бизнинг гўзалликка ташна руҳимиз талабини кондиради.

Шеърда гўзалликни ифодаловчи барча сўзлар қалит сўзлардир, уларни “гўзal” сўзи бирлаштириб туради. Шеърдан лирик қаҳрамон излаётгани гўзаллар гўзали эканлигини англаш мумкин:

Мен йўқсул на бўлуб уни суюбмен?  
Унинг-чун ёнибмен, ёниб-куйубмен.  
Бошимни зўр ишга бериб кўйубмен,  
Мен суйуб... мен суйуб... кимни суйубмен?  
Мен суйган “суйукли” шунчалар гўзal,  
Ойдан-да гўзалdir, кундан-да гўзal!!! (4)

Миллий поэзияннада гўзal суратини ой, юлдузга киёслаш анъанавий ӯхшатишлардан хисобланади. Лекин Чўлпондан кейинги бундай ӯхшатишлар амалда бизгá хеч кандай хиссий таъсир ўтказмайди. Чунки, гўзal тасвирининг энг юксак кўриниши Чўлпонгагина тегишилдир. “Гўзal” сўзини эштишишимиз биланок, хаёлимизда Чўлпон “Гўзal”и тикланаверади, сабаби унинг гўзали: “ойданда гўзалdir, кунданда гўзal!!!”. Шеърдаги гўзal таътифидан Чўлпон руҳияти гўзалликка накадар ташна эканлигини, унинг юксак дид соҳиби бўлганлигини англаш мумкин.

“Шафтолига” шеъри ҳам ӯзининг рамзийлиги, ӯхшатишларга бойлиги билан ажralиб туради. Шеърда шоир гўзal қизни шафтолига киёслайди, унга муҳаббатини изҳор килади. Шафтоли ва муҳаббат ўртасидаги боғликларни контекстдан англашимиз мумкин. Асл маъносида шафтоли “жанубда ўсадиган, пушти гулли, узунчок барғли дарахтнинг йирик юмшоқ этили меваси”дир (“ЎТИЛ” 2, 402). Аммо шеърдаги бу маъно эмас, унинг рамзий маъноси муҳим. Шеърда шафтоли кишлоқ қизларининг қизил юзига киёсланади. Айнан юзга киёсланиш шаклий ӯхшашлик бўлса, унинг қизиллиги пишганлик, етилганлик, яъни бўйга етганликни ифодалайди. Лирик қаҳрамон ўша қизилликдан баҳра олади, унга бокиб умид заволларини йўқдек, бўлмагандек хис килади.

Шеърда сўзнинг ташки ва ички шакли ўртасида ӯзаро боғланиш ва фарқлар мавжуд. Бу нарса кейинги бандда якқол сезилади:

Умидимнинг заволига кон йиғлаган кўзларим,  
Ёшларини юзларингга томчи-томчи тўқдими!  
Ёки севги армонида шахид бўлган йигитнинг

Есир рухи қони билан лабларингдан ўйдими? (68)

Бандда шаклан шафтолидаги нукта-нукта доғларни, унинг кизиллигини, юзидаги шабнам томчиларини англаш мумкин. Шоир эса шабнам томчиларини кўз ёшлар (айни пайтда улар кизил-кўзлар кон йиглаган), кизилликни кон билан ўпилган бўсалар натижаси деб изоҳлаяпти. Шу ўринда ички шакл туғилмоқда ва у хиссий образни ўзгартирмоқда. Бу ички шаклнинг бадиийлиги шундаки, унда муаллифнинг мураккаб руҳий холати мавжуд. Шеърда муаллиф ўзини умидлари завол бўлган, “севги армонида шахид бўлган йигит” сифатида гавдалантирган.

Шеърдаги “шафтоли”, “юз”, “лаб” сўзлари кизиллик ва гўзалик маъносига эга. Бу сўзлар оркали муаллиф ёр суратини, “кон” сўзи оркали эса ўз холати рангини тасвирлаган. Бу сўзларнинг барчаси кизиллик маъносига эга. Лекин бир вақтда улар ёрга нисбатан гўзалик, хаёт маъносида бўлса, муаллифга нисбатан завол, ўлим маъносидадир.

Чўлпон шеърларини табиат тасвирисиз, табиат сўзларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Унинг шеърларида юкорида таъкидлаганимиздек, минг йиллардан бери яшаб келаётган қадимий, она тилимизга оид, халқ яратган сўзлар албатта мавжуддир. Бу сўзлар ўз хиди ва рангига эга бўлиб, уларни эшитганимиздаёқ онгимизда турли образларни жонлантиради. Сўзда шундай хусусият борки, у доим бошқасига боғланишга, кўшилишга интилади. Натижада сўзлар бирлашиб фикрни ҳосил қиласди. Ижодкор маҳорати айнан ўша бир-бирини такозо қилувчи сўзларни боғлай олишда кўринади. Масалан, матнда баҳор сўзи ишлатилдими, унда қалдирғоч, гул каби сўзлар ҳам ёнма-ён ишлатилиши керак. Акс ҳолда бадиий кемтиклик юзага келади.

“Кўклам келадир!” шеърида Чўлпон табиат тасвири оркали умид, соғинч туйгуларини ифодалайди. Шеърда лирик қаҳрамон кўкламни согинган, уни кутади ва хатто, келишига ишонади ҳам. Бу ишонч сарлавҳадаёқ кўзга ташланади, сарлавҳа охиридаги ундов белгиси катъийлик, ишончни кўрсатади.

Кўклам ойим йўлга чиккан, кўклам ойим кўзғалган:

Кўк кўйлакнинг битишига, унча кўп ҳам колмаган! (73).

Кўклам-баҳор дегани. Бу икки сўзни синоним тарзда қўллаш ҳам мумкин. Лекин “кўклам” бизнинг руҳиятимизга якинроқ, чунки у соғ туркий сўздир. Биргина шу сўзнинг ўзида сифат, феъл, от бор, яъни ранг, харакат, ном бор. Демакки, образ бор. “Кўклам” деганимизда яшил ранг кўз олдимизга келади, у харакатланади ва бутун атрофни коплайди. Чўлпон “кўклам”ни эркалайди, эъзозлайди, унга “кутлуғ, мўътабар” маъносини билдирувчи “ойим” сифатини қўшади: “кўклам ойим”. Натижада кўз ўнгимизда яшилликка бурканган, димоғимизга анвойи хидларни олиб келувчи янги бадиий образ гавдаланади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Чўлпоннинг шу биргина сўзи ўзбек поэзиясида янги бир шеърнинг туғилишига сабаб бўлган. Мунаккид О. Шарафиддиновнинг айтишича, бу сўздан шоир М. Юсуф каттик таъсирланган ва унинг “Кўклам ойим” деган шеъри мана шу таъсир натижасида дунёга келган.

Шеърнинг кейинги бандларida кўклам маъноси кенгая боради. Уни бутун табиат мавжудотлари интиклик билан кутадилар. Шоир уларни соғинч ва кутиш холатида тасвирилайди. Кўкламга интизор ок булуллар паришон, кун тиглари карашларга санчилган, дарахтлар кучок очиб кўк кўйлакнинг битишини кутадилар. Узоқдан гул хидлари димокка келиб урилади. Улар “йўлга чиккан”ини “чопар”-шамол оркали билдирадилар. “Чопар” олиб келган хидлар жониворларни аста-секин уйғота бошлийдилар:

Сезгиларни уйғотувчи хидли гуллар тўпланиб:

“Биз ҳам йўлга чикдик” дея юборганлар бир чопар.

Гул хидидан ризқ эмгувчи жониворлар уйғониб,

Эрта-индин боғчаларга, чаманларга таркалар. (73)

А. Блокнинг таъкидлашича, ҳар кандай шеър матни бир неча сўз устига ёпилган ёринчидир. Ўша сўзлар матнда худди юлдузлардек чараклаб, нур сочиб туради. “Кўклам келадир!” шеърида ҳам шундай калит сўзлар мавжуд. Булар: кўклам, кўк, кўйлак, кўкариш, кўкс, кўз, кўнгил, кун, келмок, кутмоқ сўзларилир. Бу сўзлар товушдошликка эга бўлиб, уларни такрорлаганимизда кўз ўнгимизда уйғониш, бош кўтариш каби маънолар тикланади. Сунити бандда шоир бадиий мақсадини аник иифодалайди, кўнгилларга кўклам тилайди:

Кўклам билан юртимга ҳам бир кўкариш келсайди,  
Кўнгиллар ҳам хаволардек кўклам ҳиди берсайди,  
Дилларга ҳам хаволардек кўклам рухи кирсайди!.. (73)

Демак, табиатга кўклам келяпти, табиат уйғоняпти. Лекин кўнгилларда кўклам йўқ, уйғониш йўқ. Шунинг учун шоир орзу киласди, кўнгилларни уйғонига чорлади. Сунгги банддан англацийиди, “кўклам” сўзи шеърда уйғониш маъносида кўлланган. Кўнгил, кўклам, келмок сўзлари матн ўқ илдизини ташкил киласди. Шоирнинг бадиий нияти ҳам мана шу уч сўзга сингдирилган, яъни кўнгилга кўклам келсин-кўнгил уйғонсин.

Хуллас, Чўлпон шеърияти эркка тацна юракнинг, уйғок руҳиятнинг бадиий сўз воситасидаги акс-салосидир. Унинг шеърларидаги сўзлар минг йиллар аввал ҳалк яратган, ўзида ички руҳият ва образларни мужассамлаган қадимий сўзлардир. Шунинг учун улар бизнинг руҳиятимизда ўзгаришлар ясади, туйгуларимизга таъсир қилиб, ўзлигимизни англашга ёрдам беради. Чўлпон деганимизда кўз ўнгимизда ҳалк, кўнгил, гўзал, кўклам ойим, тонг каби сўзлар жонланади. Бундай сўзлари бор шоир баҳтилидир. Шу билан бирга Чўлпон шеърларини бадиий тил нуктаи назаридан ўрганиш, Чўлпонни сўзлари оркали англаш адабиётшунослик олдидаги муҳим вазифалардандир.

#### АДАБИЁТЛАР

[1]. Ш. Раҳматуллаев, ЎТЭЛ (туркий сўзлар), –Т.: Университет, 2000. -Б- 88.; [2]. Чўлпон, Асарлар 1-жилд, Т., 1994.- Б- 4. (Бундай кейинги мисоллар шу манбадан олинади ва сахифаси кўрсатилади.)

Адабиётшунослик кафедраси

Қабул килинди:

12.02.2013